

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ САЛИМ СУЛАЙМОНОВИЧ

ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИ ХИРУРГИК ДАВОСИДА
АМПУТАЦИЯ СОҲАСИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ОПТИМИЗАЦИЯСИ

14.00.27 –Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД-2024

УЎК: 616.379-008.64+617.586.1-002.45(617.582-089.873+ 617.578-089.873)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Давлатов Салим Сулаймонович

Диабетик тоvon синдроми хирургик давосида ампутация соҳасини
аниқлаш усуллари оптимизацияси 3

Давлатов Салим Сулаймонович

Оптимизация методов определения уровня ампутации при
хирургическом лечении синдрома диабетической стопы 37

Davlatov Salim Sulaymonovich

Optimization of methods for determining the level of amputation in the
surgical treatment of diabetic foot syndrome 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 78

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ САЛИМ СУЛАЙМОНОВИЧ

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИ ХИРУРГИК ДАВОСИДА
АМПУТАЦИЯ СОҲАСИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ
ОПТИМИЗАЦИЯСИ**

14.00.27 –Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД-2024

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Tib921 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шербеков Улуғбек Ахрарович
тиббиёт фанлари доктори
Тешаев Октябр Рухиллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Назаров Шохин Кувватович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Витебск давлат халқлар дўстлиги ордени тиббиёт университети (Белорус Республикаси).

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, «...дунёда диабетик товон синдромини (ДТС) даволашда улкан натижаларга эришилиб, даволашга бўлган замонавий ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда...»¹. Аммо эришилган натижалар, имкониятларга қарамасдан, диабетик товон синдромида оёқлар ампутацияси сони кундан-кунга ортиб бормоқда, бунда «...дунёда соатига 55 нафар қандли диабетга чалинган бемор оёғидан маҳрум бўлиб, бу эса ўз навбатида ўлим кўрсаткичи, даволаш ва реабилитация харажатларининг юқори бўлишига олиб келмоқда...»². Диабетик товон синдромида оёқларда ишемия белгиларининг мавжудлиги улардаги йирингли некротик жараённинг салбий кечаётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, трансатлантик консенсус маълумотларига кўра, оёқларда критик ишемия белгилари илк маротаба аниқланганидан кейин биринчи йили давомида ушбу беморларнинг атиги 25% ида ижобий ҳал этиладиган бўлса, беморларнинг 30% дан ортиғида жарроҳлар ҳаётий кўрсатмаларга кўра оёқларнинг юқори ампутациясини бажаришга мажбур бўлишади. Мавжуд адабиётлардаги маълумотларга кўра, ампутация қилинган оёқ чўлтоғидаги йирингли-некротик асоратлар 12 - 23% на ташкил этади. Шу билан бирга, ампутация даражаси қанчалик паст бўладиган бўлса, ампутация чўлтоғидаги йирингли-некротик асоратлар фоизи ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу сабабли, кўпчилик жарроҳлар ампутацияни юқори даражада, сон сатҳида бажаришга ҳаракат қилишади, чунки кесиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ампутация чултоғининг бирламчи битиш улуши шунчалик юқори бўлади.

Жаҳон тиббиёти амалиётида диабетик товон синдромининг оғир йирингли-некротик асоратларида оёқ ампутациясининг мақбул даражасини аниқлашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, бу нафақат беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиши, балки ампутация чултоғининг битиши, ҳамда ушбу тоифадаги беморларнинг эрта реабилитацияси учун қулай шароит яратиши мумкин. Шу билан бирга, ампутация чултоғидаги йирингли-некротик асоратларни олдини олиш учун режалаштирилган ампутация сатҳидаги оёқ тўқималарининг ҳаётийлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади, чунки бу каби асоратлар энг яхши ҳолатда реампутацияга, оғир кечганда эса, тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми, шунингдек ўлим ҳолатига олиб келувчи полиорган дисфункция ривожланиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, диабетик товон синдромининг йирингли некротик асоратлари бўлган беморларни жарроҳлик

¹ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs377/ru/>

² Liu R. et al. Lower extremity reamputation in people with diabetes: a systematic review and meta-analysis //BMJ Open Diabetes Research and Care. – 2021. – Т. 9. – №. 1. – С. e002325.

даволаш сифатини яхшилашда етарлича ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Шу билан бирга, оёқларда ампутация даражасини аниқлашни мақбуллаштириш ва такомиллаштириш учун нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга долзарб муаммо ҳисобланган ампутацион чўлтоқнинг йирингли некротик асоратлари, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш учун илмий асосланган натижалар талаб этилади. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар қаторида касалликларни эрта ташхислаш, уларнинг асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида белгиланган 56 та устувор йўналишлардан 4-қисмининг вазифалари белгилаб берилган «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ...». Ушбу вазифаларнинг бажарилиши оёқлар кесилишининг энг мақбул даражасини аниқлашнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали диабетик товон синдромининг оғир шаклларида амалга ошириладиган оёқ ампутациясидан кейинги йирингли-некротик асоратлар частотасини камайтиришга имкон берди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон, 2022-йил 28-январдаги «...2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида...»³ ги ПФ-60-сон фармонлари, 2022-йил 16-майдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон, 2020-йил 12-ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон қарорлари, ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Диабетик товон синдромининг йирингли некротик асоратлари бўлган

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshtm.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

беморларда оёқларни ампутация қилишнинг энг мақбул сатҳини аниқлашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of California (АҚШ); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische Universität Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); Вишневский номидаги хирургияилмий тадқиқот институти; РФ Фанлар академияси Эндокринология маркази (Россия Федерацияси), академик Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази, Иммунология ва инсон геномикаси институти, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда диабетик товон синдромининг оғир шакллари даволаш оқибатларини прогнозлашнинг иммунопатогенетик жиҳатларини илмий асослаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, оёқларни кесиш сатҳини аниқлаш усулларини мақбуллаштириш, оёқларнинг қолишини таъминлаш учун операциядан олдинги чора тадбирларни такомиллаштириш ва маҳаллий қон айланишини яхшилашга қаратилган даволаш усулларининг самарадорлигини асослаш, бу оёқларни сақлаб қолиш ва уларнинг кесилиш даражасини минималлаштириш орқали ампутация чўлтоғини протезлаш қулайлиги учун шароит яратиш имконини беради, ҳамда беморларнинг яшаш сифатини аҳамиятли даражада оширади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Америка диабет ассоциацияси маълумотларига кўра, бугунги кунда АҚШда оёқларнинг нотравматик ампутацияларининг 80% диабет асоратлари туфайли юзага келмоқда. Германияда оёқлар нотравматик ампутациялари 72%нинг сабаби диабет эканлиги кўрсатилган (Karrer S. 2011; Tuncer O. et al. 2024). 86 нафар қандли диабет билан оғриган беморларда ўтказилган тадқиқотда (15-34 ой, проспектив тадқиқот) плетизмография ва товон босимини ўлчаш пайтида товон босими юқори бўлган беморларнинг 35 фоизида тўпиқ жароҳати ривожланган бўлса, товон босими нормал бўлган беморларнинг ҳеч бирида кузатилмаган (Arslan 2022; Güner 2023; Tuncer O. et al. 2024).

Ўзбекистонда ўтказилган сўнгги тадқиқотларда муаллифларининг фикрига кўра, оёқларда ампутация сатҳини аниқлашнинг асосий концепцияси бу: маҳаллий ҳолати, доплерография, режалаштирилган ампутация соҳасидаги O_2 тўйинишини аниқлаш, ангиография, термометрия маълумотлари ҳисобланади (Исмаилов С.И., Бердыкулова Д.М. 2012;

Камалов Т.Т., 2022; Матмуротов К.Ж. ва бошқ. 2024; Сафоев Б.Б. 2023); шу билан бирга, оёқларда ампутация сатҳини аниқлаш учун кўпчилик жарроҳлар режалаштирилаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ва мушаклар ҳаётийлигини аниқлашнинг ампутациядан олдинги экспресс усуллариغا етарлича эътибор бермагани, ёки эътиборсиз қолдириши, бунда тўқималар ҳаётийлигини экспресс гистокимёвий ва морфологик тадқиқотлари истиқболли бўлиб, диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш муваффақиятини оширади (Бабаджанов Б.Д. ва бошқ. 2022; Тешаев О.Р., 2023). Юқорида айтилганлар ампутация чўлтоғининг операциядан кейинги асоратларини камайтириш, реабилитацияни имкон қадар тезлаштириш, ҳамда ушбу гуруҳдаги беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берувчи оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлашнинг ишончли усулларни ишлаб чиқишнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилтган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (B2023.3.DSc/Tib921) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир кўрсатувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш, ҳамда даволаш ва олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволаш натижаларини зарарланган оёқ ампутациясининг тегишли соҳасини аниқлаш усулларини мақбуллаштириш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли яллиғланишга жавоб синдроми (ТЯЖС) бўлган ДТСнинг йирингли-некротик асоратлари билан беморларда жарроҳлик даволашнинг қониқарсиз натижалари (оёқларнинг ампутацияси) сабабларини ўрганиш;

тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини баҳолаш учун операциядан олдинги ингичка игнали пункцион экспресс гистология (ИИПЭГ) ва лактоферрин микдорини аниқлашнинг информативлигини аниқлаш;

оёқларни энг тежамкор кесилишига шароит яратиш мақсадида тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги тўқималар ишемиясини бартараф этиш учун фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнитли нурлантиришни қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш;

тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг яққол белгилари бўлган ДТС нинг оғир шакли бўлган беморларни операциядан олдинги тайёрлашда дискрет плазмаферез самарадорлигини баҳолаш;

ўтказилган тадқиқотлар асосида оёқ ампутациясининг мақбул даражасини аниқлаш алгоритмининг ва диабетик товон синдромининг йирингли некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик

даволаш натижаларини аҳамиятли яхшилаш имкониятини яратувчи операциядан олдинги даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2023 йй. Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари билан стационар шароитда даволанган 312 нафар бемор киритилган.

Тадқиқотнинг предмети магистрал қон томирлар ва микроциркулятор ҳавзада қон оқимини баҳолаш имконини берувчи инструментал текшириш усуллари, операциядан олдинги экспресс – гистологик текширув усули, ҳамда режалаштирилаётган ампутация сатҳи юмшоқ тўқималарда лактоферриннинг ўткир босқичи оқсили фаоллигини текшириш ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида клиник, бактериологик, гистологик, морфологик, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ингичка игнали пункцион экспресс гистологик (ИИПЭГ) текшириш билан биргаликда ўткир босқич оқсили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш усули юқори информативликка эгаллиги, оёқлар юқори ампутацияси ҳамда ампутацион чўлтоқдаги йирингли – некротик асоратлар ривожланишини олдини олиши ва ампутациянинг энг мақбул сатҳини аниқлаш учун объектив меъзон сифатида қўлланилиши мумкинлиги исботланган;

фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида маҳаллий (оёқнинг тахмин қилинаётган кесиш сатҳида) электромагнитли нурлантириш, зарарланган оёқнинг базал қон айланишини сезиларли ошишига, микроциркулятор оқим захира имкониятларини ортирилишига ва шу орқали оёқнинг яққол тежамкор ампутацияларини бажарилиши имконияти учун шароит яратиб бериши аниқланган (ЎзР ихтиро учун патент, № IAP 07441 19.05.2023);

ТЯЖС белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузиясининг юқори самарадорлиги исботланган;

клиник, гистологик ва биокимёвий тадқиқотлар асосида оёқ ампутациясининг энг мақбул сатҳини аниқлаш орқали диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ТЯЖС белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлаш алгоритмининг қўлланилиши ўтказиладиган реампутациялар улушининг 23,9% дан 10,5% гача, ҳамда ўлим

ҳолатларининг 11,95% дан 3,92% гача камайтириш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оёқнинг тахмин қилинаётган ампутация сатҳида юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини операциядан олдинги ингичка игнали пункцион экспресс гистологик (ИИПЭГ) баҳолаш усули, ҳамда яллиғланиш жараёни мавжудлигини лактоферрин фаоллиги ёрдамида аниқлаш усули соғлиқни сақлаш амалиётига қўллаш учун тавсия этилган;

операциядан олдинги даврда тизимли яллиғланиш жавоби синдроми белгиларини камайтириш мақсадида плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферез, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузиясини қўллаш таклиф этилмоқда;

маҳаллий микроциркуляция оқимини яхшилаш ва оёқ ампутациясини янада тежамли бажариш имконини берувчи шароит яратиш мақсадида фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида, 1 - 3 кун давомида, суткасига 2 маротаба таъсир давомийлиги 10 дақиқагача бўлган электромагнитли нурлантириш усули таклиф этилган;

амалий жарроҳлар учун ДТСнинг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларда оёқ ампутациясининг энг мақбул сатҳини аниқлаш орқали комплекс жарроҳлик даволаш алгоритми таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган назарий ёндашув ва усулларнинг тўғрилиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, клиник, гисто-морфологик, бактериологик, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида бир-бирини тўлдирадиган тадқиқот усулларининг замонавийлиги, олинган натижа ва хулосаларнинг маҳаллий, ҳамда хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган натижалар билан солиштирилганлиги, шунингдек, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ИИПЭГ текшириш ва ўткир босқич оқсили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш ампутациянинг энг мақбул сатҳини аниқлашнинг юқори информативликка эга усули эканлиги, тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни юритишда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферез, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси юқори самарадорлигининг исботланганлиги, зарарланган оёқнинг фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнитли нурлантирилиши базал қон айланишини аҳамиятли ортириши, микроциркулятор оқим захира имкониятларини ошириши ва шу орқали оёқнинг яққол тежамкор ампутацияси учун шароит яратишининг исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, соғлиқни сақлаш амалиётига таклиф этилаётган ДТС нинг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларда оёқ ампутациясининг энг мақбул сатҳини аниқлаш орқали комплекс жарроҳлик даволаш алгоритми клиник самарадорликка эга бўлиб, даволаш натижаларини яхшилаш, ҳамда оёқларнинг асосланмаган юқори ампутациялари ва реампутациялари хавфини бартараф этиш имконини беради ва шу орқали оғир даражали ногиронлик билан беморлар сонини пасайтиришга, ўлим ҳолатлари даражасини камайтиришга, шунингдек, ушбу контингентдаги беморларда реабилитация даврининг қисқартиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 25 сентябрдаги 06/89 – сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ингичка игнали пункцион экспресс гистологик (ИИПЭГ) текшириш билан биргаликда ўткир босқич оқсили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш усули юқори информативликка эгаллиги, оёқлар юқори ампутацияси ҳамда ампутацион чўлтоқдаги йирингли – некротик асоратлар ривожланишини олдини олиши ва ампутациянинг энг мақбул сатҳини аниқлаш учун объектив меъзон сифатида қўлланилиши мумкинлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ИИПЭГ текшириш билан биргаликда ўткир босқич оқсили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган, бу ўз навбатида мазкур беморларнинг барчасида бирламчи ампутация натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, оёқнинг ампутацион чўлтоғининг йирингли-некротик асоратларини, реампутациялар бажарилиши улушини ҳамда ўлимни камайтириб, шифо жараёнини тезлаштиради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент тиббиёт акадеияси кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (24.04.2024 й.; №73), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №53), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №155), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №125) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ИИПЭГ текшириш билан биргаликда ўткир босқич оқсили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида ампутациядан сўнги чўлтоғнинг йирингли-некротик асоратларини олдини олишда фойдаланишига имкон бериб, беморларни

даволаш сифатини яхшилайдди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ИИПЭГ текшириш билан биргаликда ўткир босқич оксили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида операциядан сўнги кузатилиш хавфи юқори бўлган асоратларни олдини олишида инobatга олиниб, даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш орқали 1 нафар беморга сарфланадиган харажатларини 273 000 сўмга камайтиришга эришилди. *Хулоса:* диабетик товон синдромининг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларда тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг ҳаётийлик ҳолатини операциядан олдинги ИИПЭГ текшириш билан биргаликда ўткир босқич оксили – лактоферрин фаоллигини аниқлаш усулидан фойдаланиш, даволашда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 273 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 355 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида маҳаллий (оёқнинг тахмин қилинаётган кесиш сатҳида) электромагнитли нурлантириш, зарарланган оёқнинг базал қон айланишини сезиларли ошишига, микроциркулятор оқим захира имкониятларини ортирилишига ва шу орқали оёқнинг яққол тежамкор ампутацияларини бажарилиши имконияти учун шароит яратиб бериши аниқланган (ЎзР ихтиро учун патент, № IAP 07441 19.05.2023). *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида маҳаллий (оёқнинг тахмин қилинаётган кесиш сатҳида) электромагнитли нурлантириш усулидан фойдаланиш даволаниш самарасини оширишга имкон бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент тиббиёт акадеияси кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (24.04.2024 й.; №73), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №53), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №155), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №125) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида маҳаллий (оёқнинг тахмин қилинаётган кесиш сатҳида) электромагнитли нурлантириш усулидан фойдаланиш ампутацион чўлтоқ соҳасида ривожланиши мумкин бўлган асоратларни камайтириш имкониятини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида маҳаллий (оёқнинг тахмин қилинаётган кесиш сатҳида) электромагнитли нурлантириш усулидан фойдаланиш: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1 050 000 сўмга камайtirган (БВКТТМнинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 210 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши

ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 120 000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида маҳаллий (оёқнинг тахмин қилинаётган кесиш сатҳида) электромагнитли нурлантириш усулидан фойдаланиш даволаниш самарасини оширишга даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузиясининг юқори самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усули ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида мазкур касалларда тизимли яллиғланиш синдроми натижасида ривожланадиган асоратларни камайтиришга имкон бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент тиббиёт акадеияси кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (24.04.2024 й.; №73), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №53), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №155), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №125) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усулидан фойдаланиш операциядан кейинги даврда ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларнинг камайтириш имкониятини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита электрокимёвий оксигенацияси ва қўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усулининг амалиётда қўлланилиши: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 1 050 000 сўмга камайтирган (БВКТТМнинг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 210 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 120 000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни даволашда плазманинг билвосита

электрохимёвий оксигенацияси ва кўшимча озонлаштирилиши орқали дискрет плазмаферези, ҳамда детоксикация қилинган плазманинг кейинги реинфузияси усулининг амалиётда қўлланилиши, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратлар ва ўлимни камайтириш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: клиник, гистологик ва биохимёвий тадқиқотлар асосида оёқ ампутациясининг энг мақбул сатҳини аниқлаш орқали диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш алгоритмини амалиётда қўлланилиши беморларни шифо жараёнини тезлаштириб асоратлар ва ўлимни камайтирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент тиббиёт акадеияси кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (24.04.2024 й.; №73), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №53), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №155), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №125) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш алгоритмидан фойдаланиш ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш алгоритмидан фойдаланиш беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 050 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 600 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш алгоритмини амалиётга жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 050 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 600 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

бешинчи илмий янгилик: тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлаш алгоритмининг қўлланилиши ўтказиладиган реампутациялар улушининг 23,9% дан 10,5% гача, ҳамда ўлим ҳолатларининг 11,95% дан 3,92% гача камайтириш имконини бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлаш алгоритмининг амалиётда қўлланилиши беморларни шифо жараёнини тезлаштириб асоратлар ва ўлимни камайтирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Тошкент тиббиёт акадеияси кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (24.04.2024 й.; №73), Самарқанд давлат

тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (26.03.2024 й.; №53), Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №155), Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (04.04.2024 й.; №125) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлаш алгоритмидан фойдаланиш ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлаш алгоритмининг қўлланилиши беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 5 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 050 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 600 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгилари билан ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари бўлган беморларни комплекс жарроҳлик даволашда оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлаш алгоритмининг қўлланилиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 050 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 600 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 8 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференциялар, симпозиумларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, 14 та мақола, улардан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти бобдан иборат шахсий тадқиқотлар, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матнли материал ҳажми 186 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий

қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диабетик товон синдроми патогенези, клиникаси, ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ТЯЖС билан ДТС бўлган беморлар ҳақидаги сўнгги йилларда чоп этилган маълумотлар келтирилган, ушбу касалликнинг шаклланиш омиллари, ривожланиш қонуниятлари, мазкур патологиянинг клиник, инструментал, микробиологик, иммунологик ва экспериментал жиҳатлари ёритилган. Бундан ташқари, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг оёқлар ампутациясининг мақбул даражасини аниқлаш усуллари, уларнинг камчиликлари, ампутация чўлтоғидаги операциядан кейинги асоратларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш бўйича илмий ишлари таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Диабетик товон синдромининг йирингли некротик асоратлари тизимли яллиғланиш жавоби синдроми билан бўлган беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали, белгиланган вазифалар ижросини таъминловчи методологик ёндашув ва усуллар келтирилган.

Тадқиқот доирасида 2017 - 2023 йиллар давомида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг йирингли жарроҳлик бўлимида ДТС нинг йирингли – некротик асоратлари билан стационар даволанган 312 нафар беморнинг комплекс текшириш ва даволаш натижалари таҳлил қилинган.

Барча беморларда тизимли яллиғланиш жавоб синдроми ривожланишининг турли белгилари мавжуд эди. Тадқиқот мақсадига мувофиқ ва комплекс даволашга, шунингдек ампутация даражасини аниқлаш усулларига қараб, беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинди. Биринчи (2017-2020 йй.) гуруҳ 159 (50,96%) нафар бемордан иборат бўлиб, уларда жарроҳлик даволашга тайёрлаш анъанавий усулда ўтказилиб, жарроҳлик даволаш комплекси ҳаётий кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилган турли сатҳлардаги оёқларнинг ампутациясидан иборат бўлди. Беморларнинг ушбу гуруҳида оёқларни кесиш даражаси одатий усуллар: объектив текширув (маҳаллий ҳолат), доплерография, термометрия, тўқималарда кислород босимини аниқлаш, тўпиқ-елка индексини (ТЕИ) аниқлаш, ангиография орқали аниқланди.

Иккинчи, асосий гуруҳни (2021-2023 йй.) ҳаётий кўрсатмаларга кўра турли сатҳларда оёқ ампутациясини ўтказган 153 (49,04%) нафар бемор ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларни операциядан олдинги юритиш комплекси қўшимча равишда билвосита электрокимёвий плазма детоксикацияси, ҳамда жароҳат инфекциясини маҳаллий даволашда полиэтиленгликол асосли малҳам - Офломелид билан санациясини ўз ичига олди. Зарарланган аъзонинг қон билан таъминланишини яхшилаш ва янада тежамкор ампутация усуллари кўллаш стратегиясини амалга ошириш ва унга шароит яратиш учун биз оёқларни тахмин қилинаётган кесиш сатҳида

кунига 2 маротаба, 10 дақиқагача давом этадиган фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнит нурлантириш усулини қўлладик. Курс давомийлиги 1 кундан 3 кунгача бўлди. Кесишнинг мақбул даражаси ингичка тахмин қилинаётган ампутация сатҳидаги тўқималар ҳаётийлигини ингичка игнали биопсия ёрдамида экспресс гистологик усул ёрдамида аниқлаш, ҳамда яллиғланиш ўткир босқичи оқсили - лактоферрин кўрсаткичларини аниқлашни назарда тутди. Ингичка игнали пункция юмшоқ тўқималар биопсияси учун махсус ишлатиладиган игна ёрдамида амалга оширилди (1 – расм).



1 – расм. Юмшоқ тўқималар биопсияси учун игна (Medax, Italy - 14 G x 160 mm).

Беморлар орасида аёллар 162 (51,9%), эркаклар эса 150 (48,1%) нафарни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши $58,4 \pm 11,2$ ёш бўлди. Беморларнинг аксарияти 175 (56,09%) меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган (45 ёшдан 60 ёшгача).

Диабетик анамнез эндигина аниқлангандан бошлаб, 10 ва ундан ортиқ йилни ташкил этган. Кўпинча беморларда қандли диабетнинг 2-типи қайд этилган (95,5%), уларда асосан қандли диабет касаллигининг ўрта ва оғир даражалари яъни, субкомпенсация ва декомпенсация босқичидаги беморлар кузатилди.

Текширувдан ўтказилган 312 нафар беморда аниқланган товондаги ўзгаришлар қуйидаги шаклда бўлди: товоннинг йирингли – некротик флегмонаси - 88; товон бармоқларининг гангреанси (куруқ ва нам) - 126; товон дистал қисмларининг ганренаси (куруқ ва нам) – 67; Товон, товон усти ва болдирга тарқалувчи чириқли флегмоналар - 31. Беморларнинг 291 (93,3%) нафарида бир, ёки ундан ортиқ ҳамроҳ касалликлар аниқланди.

Иккала гуруҳдаги беморларга қуйидаги жарроҳлик аралашувлари бажарилган: флегмоналарни очиш, болдир ва товоннинг гилотинали атипик ампутациялари, Шопар, Шарп, Лисфранк бўйича товон ампутацияси, болдир сатҳидаги юқори миопластик ампутациялар, сон сатҳидаги ампутациялар. Стационарга ётқизилган ушбу беморга жарроҳлик босқичи тўлиқ текширувдан ўтказилиб, оқилона анъанавий даволаш олиб бориш фониди ўтказилди.

Оёқлар критик ишемиясини баҳолашда қўлланилиши қулай бўлган Шимолий Америка қон томир жарроҳлари жамияти томонидан таклиф этилган тасниф (Society for Vascular Surgery, SVS), катта ампутация хавфи

бўлган оёқ ҳолатини таҳлили кўрсатилган SVS Lower Extremity Threatened Limb Classification System (SVS WIFI) таснифи дан фойдаланилди.

Оёқларни турли сатҳларда ампутация қилиш учун кўрсатмаларга локал статус, оёқ суяклари рентгенографияси, доплерография, юмшоқ тўқималарда кислород перфузиясини аниқлаш, ТЕИ, кўрсатмаларга кўра, ангиографик текширув маълумотлари хизмат қилди. Шошилинич жарроҳлик аралашувлар учун биринчи навбатда, бармоқлар ва товоннинг нам гангренази, товон флегмонази, шунингдек, яллиғланишнинг болдирга ўтиши, ҳамда оғир интоксикация билан бемор ҳаётига хавф солувчи товон флегмонази кўрсатма бўлди. Одатда шошилинич операция бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун амалга оширилди.

Таққослаш гуруҳидаги беморларга жарроҳлик, антибактериал терапия, инфузион, детоксикацион терапия, микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар, гликемия даражасини коррекциялаш ва ҳамроҳ касалликларни симптоматик даволашни ўз ичига олган терапевтик чора-тадбирлар мажмуаси қўлланилди. Маҳаллий даволаш анъанавий усулда амалга оширилди (сувда эрувчи полиэтиленгликол (ПЭГ) асосидаги Офломелид малҳами). Таққослаш гуруҳидаги беморларни операциядан олдинги тайёрлаш ва операциядан кейинги даврда олиб бориш анъанавий схема бўйича ўтказилди.

Асосий гуруҳидаги беморларга анъанавий даволаш усулларида ташқари, режалаштирилган ампутация соҳасида «Барва-Флекс» фотон матрицали нурлантиргичи ёрдамида электромагнитли нурлантириш ўтказилди. Эндотоксемияга фаол таъсир кўрсатиш, кислород гомеостази бузилишини бартараф қилиш ва иммуномодуляцион таъсир кўрсатиш учун даволаш режасига плазмаферез (ПФ), яъни плазмани гипохлорит натрий эритмаси билан билвосита электрокимёвий оксигенацияси (БЭКО) ва кўшимча озонланди ҳамда детоксикация қилинган плазма реинфузияси кўшилди.

Оёқдаги йирингли некротик шикастланишлари, унинг тарқалиш чегаралари ва оёқ тўқималарининг зарарланиш чуқурлигини аниқлаш билан ўрганиш ДТС бўлган беморни илк маротаба текшираётган жарроҳнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Санацион операция ҳажми ва хусусиятини танлаш учун некроз ўчоғининг характеристикаси, унинг жойлашган жойи, ҳажми ва фаоллиги, шунингдек, микроциркуляция ҳолати ва оёқлардаги қон оқими муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотга киритилган барча беморларга лаборатор тадқиқот усуллари қўлланилди. Ташхисни аниқлаш, ҳамда оёқ зарарланишининг оғирлик даражасини аниқлаш учун ташхислаш муолажалари ўтказилди. Умумклиник текширувлар ўтказилиб, чегараланган ва тарқалган жараёнлар қиёсий ташхислашдан ўтказилди. Лаборатор диагностика умумий қон ва сийдик таҳлили, гликемик профилни текшириш, биокимёвий тадқиқотлар, ҳамда жароҳат таркибини бактериологик текширувини ўз ичига олди.

Шифохонага ётқизилган беморларга дастлабки соатларда электрокардиография, 2 проекцияда оёқ рентгенографияси, ултратовушли доплерография, оёқ артерияларини рангли доплер сканерлаш, сегментар қон босими ва тўпиқ-елка индексини аниқлаш, тўқималарда кислород

босимини аниқлаш, оёқ томирларини ангиографик текшируви каби инструментал тадқиқот усуллари ўтказилди.

Жарроҳлик аралашувни режалаштиришда биз объектив ва субъектив меъзонларни ҳисобга олинди: консерватив даво самарасизлигида оёқ дистал соҳаларига некротик ўзгаришларининг (гангрена, ёки трофик жароҳатлар) тарқалиши, қон оқимини жарроҳлик йўли билан тиклашнинг имконсизлиги, ёки муваффақиятсизлиги, ишемия ва тўқима некрози туфайли интоксикация, шунингдек, инфекция кўшилиши кабилар ҳисобга олинди. Жарроҳнинг юқоридаги меъзонларга мувофиқ ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётлигини субъектив баҳолаши беморнинг касаллик тарихига қайд этиб борилади. Операциядан олдинги гистологик текширув ва лактоферрин даражасини аниқлаш натижаси операция ўтказувчи жарроҳга ҳавола этилади ва у ампутация сатҳини танлашда буни ҳисобга олади.


Таққослаш гуруҳидаги 159 нафар беморда тўқималар ҳаётлигини аниқлашнинг анъанавий меъзонлари асосида ампутация сатҳини танлаш амалга оширилган бўлса, асосий гуруҳнинг 153 нафар беморида ампутация сатҳини танлашда юмшоқ тўқималарнинг ҳаётлилик ҳолати ва унинг даражасини баҳолашда лактоферрин фаоллигини аниқлаш жуда муҳим бўлди.

Ампутация сатҳидаги тўқималар ҳаётлигини баҳолаш учун биз оёқ юмшоқ тўқималарининг ҳаётлигини гистологик ва морфологик аниқлашнинг экспресс усулидан фойдаланишни таклиф қилдик. Стерил шароитда, беморнинг ётган ҳолатида тахмин қилинган ампутация сатҳидаги 3 нуқтада (биринчи нуқта тахмин қилинган ампутация сатҳи, 2 нуқта тахмин қилинган ампутация сатҳидан 3 см юқорида, 3 нуқта тахмин қилинган ампутация сатҳидан 6 см юқорида) 0,3 см гача бўлган тери кесмаси маҳаллий инфилтрацион оғриқсизлантириш (новокаиннинг 0,5% - 2,0 мл эритмаси) ва ултратовуш назорати остида амалга оширилди ва оёқ юмшоқ тўқималари ингичка игнали пункция, ҳамда биопсион материал олиш амалга оширилди.


Мушак тўқималари ҳаётлиги бузишнинг гистологик мезонлари сифатида куйидаги расмийлаштирилган белгилар танланди – лейкоцитлар инфилтрацияси - қон томир ҳавзасидан ташқарида мушак тўқималарида нейтрофил гранулоцитларнинг мавжудлиги, кариопикноз – некробиотик ўзгаришларнинг дастлабки босқичи сифатида миоцитлар хужайра ядросининг бужмайиши, кариолиз - хужайранинг тўлиқ йўқ қилиниш жараёни, дистрофик ўзгаришлар билан ядро, миоцитлар цитолизи – ёруғлик микроскопиясида хужайралар парчаланиши, ҳамда мушак толалари кўндаланг тарғиллигининг бузилиши билан намоён бўлади. Хужайралар ядроси ва цитоплазмасидаги ўзгаришларни некрознинг микроскопик белгилари деб ҳисобладик (2,3,4,5 – расм). Ядроларнинг кетма-кет бужмаяди (кариопикноз), бўлакларга парчаланеди (кариорексис) ва лизис (кариолизис) га учрайди.

Шифохонага ётқизиш вақтида касаллик оқибатларига таъсир кўрсатувчи энг статистик аҳамиятга эга омилларни аниқлаш учун прогностик модел ишлаб чиқилди. Унинг тузилишида статистик моделлаштириш усули


қўлланилган кўп ўлчовли чизиқли босқичли регрессия таҳлили, бу ерда модел регрессия тенгламаси бўлиб, унинг параметрлари таҳлил пайтида ҳисоблаб чиқилган. ДТС билан оғриган беморларда операциядан кейинги даволаниш натижаларининг градацияси қолдирилди.




2 – расм. Миоцитлар тутами. Кариорексис (кариолизис). ЁМ. Г-Э. 10×3.



3 – расм. Миоцитлар тутами. Контрактур зарарланишлар. ЁМ. Г-Э. 10×4.



4 – расм. Тери – мушак лахтаги соҳаси. Некроз ва шиш. ЁМ. Г-Э. 10×3.



5 – расм. Тери – мушак лахтаги соҳасидаги мушак қаватнинг нормал тузилиши. ЁМ. Г-Э. 10×3.

Оёқ таянч қобилиятининг сақланиши, протезлаш қулайлиги учун тизза бўғимини сақлаши, ҳамда ампутация чўлтоғи жароҳатининг бирламчи битиши яхши натижа деб ҳисобладик. Сон сатҳидаги ампутация чўлтоғи жароҳатининг бирламчи ва иккиламчи битиши комплекс даволашнинг қониқарли натижаси деб ҳисобланди. Ампутация чўлтоғида йирингли-некротик асоратларнинг ривожланиши, мажбурий реампутация бажарилиши ва ўлимга олиб келувчи полиорган дисфункциянинг ривожланиши беморларни комплекс даволашнинг қониқарсиз натижалари деб ҳисобланди.

Тадқиқот натижалари вариацион статистиканинг умумий қабул қилинган усули ёрдамида қайта ишланди. Биотиббиёт тадқиқотлари учун дастурий таъминот тўплами қўлланилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари қўлланилди.

Диссертациянинг «**Диабетик товон синдроми бўлган беморларда оёқларнинг ампутация сатҳини аниқлашнинг анъанавий усулларида фойдаланган ҳолда жарроҳлик даволаш натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида диабетик товон синдроми бўлган беморларда оёқларнинг ампутация сатҳини аниқлашнинг анъанавий усулларида

фойдаланган ҳолда жарроҳлик даволаш натижаларини ўрганиш ва баҳолаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таққослаш гуруҳи 159 (50,96%) нафар беморлардан ташкил топган бўлиб, маҳаллий даволаш некрэктомия ва полиэтиленгликол (ПЭГ) асосга эга малҳамли (Офломелид) бинтларни қўллаш ёрдамида амалга оширилди. Жароҳат инфекциясининг кечишига қараб, қунига 1-2 маротаба малҳамли санация ўтказилди. Шифохонага ётқизиш вақтида барча беморларда тизимли яллиғланишли жавоб синдромининг турли даражада ифодаланган интоксикация белгилари намоён бўлди. Таққослаш гуруҳининг барча текширилган беморларида тана интоксикацияси кўрсаткичлари динамикада ўрганилди.

Беморлар шифохонага ётқизилиб, инфузион ва дезинтоксикацион даво ўтказилгандан сўнг 5 – суткада тана ҳароратининг кам даражада, $38,7 \pm 0,6$ °C дан $37,8 \pm 0,6$ °C гача (фарқлар аҳамиятли эмас), қондаги лейкоцитлар миқдорининг $8,7 \pm 0,6 \times 10^9$ /л гача тушиши кузатилди. Қондаги лейкоцитлар миқдорининг дастлабки ҳолатидан камайиши фақатгина 8.42% ни ташкил этди. Қондаги МСМ миқдори 0 бирликкача, яъни 8,24% гапасайди. Сатурация $93\% \pm 0,9$ гача кўтарилди.

Жароҳат экссудатининг бактериологик тадқиқотлари кўп ҳолларда қуйидаги микроорганизмларни аниқлади: *S.aureus*, *S.epidermidis*, *P.aeruginosa*, *Enterobacteriaceae* оиласига мансуб - *Klebsiella* spp, *Proteus* spp, *Enterobacter* spp, *Bacillaceae* оиласига (анаэроблар) ва *Candida* турига мансуб замбуруғлар. Шунини таъкидлаш керакки, кўп ҳолларда йирингли жароҳатларнинг микрофлораси микроблар қўшилмасидан иборат бўлди. Уларнинг барчаси кўплаб антибактериал дориларга нисбатан поливалент чидамлилиikka эга эди. Даволаш бошланишидан олдин иккала тадқиқот гуруҳидаги беморларда жароҳатлар бактериал инфлосланишининг юқори даражаси (10^9 - 10^{10} КОЕ/мл) аниқланди.

Қабул қилинган барча беморларда зарарланиш ўчоғини олиб ташлашга қаратилган операциялар ўтказилди.

Юқоридаги беморларда флегмонани очиш, товон ва болдирнинг гилотинли атипик ампутацияси, бармоқлар ампутацияси, Шарп, Лисфранк бўйича товон ампутацияси, болдир, соннинг пастки, ўрта ва юқори учлиги сатҳидаги юқори миопластик ампутациялар бажарилди.

Флегмонани очиш ва некрэктомия каби бирламчи операциялар тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгиларини бартараф қилиш ва беморларни операцияларга тайёрлаш учун ўтказилиб, уларнинг моҳияти зарарланган аъзонинг бир қисмини олиб ташлаш – ампутациялардан (бармоқлар, товон, болдир, сон даражасида) иборат бўлди. Беморларнинг ушбу гуруҳида оёқларни кесиш (ампутация) сатҳи оддий усуллар - оёқларни объектив кўздан кечириш, пулсни аниқлаш, термометрия, оёқларни режалаштирилган ампутацияси сатҳида кислород кучланишини аниқлаш, доплерография, ангиография орқали аниқланди.

Патологик жараённинг болдирга ўтиши кузатилган товоннинг нам гангрена ва флегмоналари ТЯЖСнинг оғир даражалари билан бўлиши, ҳамда

беморнинг ҳаётига хавф солиши шошилиш жарроҳлик аралашувлари учун кўрсатма бўлди.

Таққослаш гуруҳидаги 149 (93,7%) нафар беморда юрак қон – томир тизими томонидан ҳамроҳ касалликлар аниқланди. Аниқланиш частотаси бўйича биринчи ўринда диабетик нефропатия кузатилиб, 44 (27,7%) нафар беморда, ўткир коронар синдром 19 (11,9%) беморда, постинфаркт кардиосклероз 39 (24,5%) беморда, бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши 18 (11,3%) беморда, диабетик ретинопатия 18 (11,3%) беморда, сурункали жигар етишмовчилиги 16 (10,1%) беморда, ҳамда гипертония касаллиги 39 (24,5%) нафар беморларда аниқланди.

Таққослаш гуруҳидаги беморларга (159 бемор) анъанавий усулда даво ўтказилди. Патологик жараённинг оғирлигига, маҳаллий ўзгаришларнинг табиати ва даражасига, тана тизимларининг компенсатор ҳолатига қараб, таққослаш гуруҳидаги барча беморларга умумий даво, жумладан, антибиотикотерапия, инфузион-детоксикацион терапия, витаминотерапия ўтказилди. Бундан ташқари, барча беморларда углевод алмашинуви бузилишининг коррекцияси бажарилди. Қандли диабет туридан қатъи назар, барча беморларга инсулинотерапияга ўтказилди. Гликемияни динамикада коррекция қилиш мақсадида гликоллашган гемоглобин ва қон глюкозасини аниқлаш орқали назорат қилинди.

Тадқиқот гуруҳидаги беморларда амалга оширилган ампутациялар даражаси бўйича қуйидагича тақсимланди: 27 (17,0%) беморда бармоқ ампутацияси, 25 (15,7%) беморда товоннинг атипик резекцияси, 21 (13,2%) беморда Шарп бўйича товон ампутацияси, 7 (4,4%) беморда Лисфранк бўйича товон ампутацияси, 7 (4,4%) беморда болдир пастки учлигидан ампутация, 14 (8,8%) беморда болдир ўрта учлигидан ампутация, 31 (19,5%) беморда болдир юқори учлигидан ампутация, 4 (2,5%) беморда гилиотинли ампутациялар, 17 (10,7%) беморда сон пастки учлигидан ампутация, 23 (14,5%) беморда сон ўрта учлигидан ампутация, 21 (13,2%) беморда сон юқори учлигидан ампутация ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, таққослаш гуруҳидаги операция ўтказилган 159 нафар беморда оёқ турли сатҳларида ўтказилган ампутациялар сони 197 (123,9%) тани ташкил этди, яъни оёқларда патологик жараённинг тарқалиши фонида бирламчи ампутацияни амалга оширгандан сўнг, биз реампутация ўтказишга мажбур бўлдик ва бу операциялар сонини кўпайишига олиб келди.

Ҳар бир алоҳида ҳолатда ампутация даражасини ва чўлтоқ ҳосил қилиш усулини танлаш операцияни ўтказган жарроҳ томонидан жарроҳлик бўлими ходимлари, эндокринолог, травматолог, анестезиолог, реаниматолог, қон томир жарроҳи ва тегишли мутахассислар иштирок этган консилиум асосида, ҳамроҳ касалликлар мавжудлигига, шунингдек, қон айланишининг бузилиши, йирингли некротик жараённинг тарқалиши ва тўқималар ҳаётлигини баҳолашнинг объектив ва субъектив мезонлари тўплами асосида ўтказилди. Яъни, ампутациялар тўқималар ҳаётлигининг анъанавий мезонлари асосида амалга оширилди.

Ушбу тадқиқот гуруҳидаги беморларда режалаштирилган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарнинг қон билан таъминланиши ва ҳаётийлигини баҳолаш учун қуйидаги инструментал тадқиқот усуллари ўтказилди: тери термометрияси, бунда беморларнинг умумий аҳволига, ҳамда тизимли яллиғланишли жавоб синдроми белгиларининг оғирлиги кўра тери ҳароратининг сезиларли ўзгарувчанлиги аниқланди.

Товон ва болдир артерияларида магистрал қон оқими ҳолатини ўрганиш ултратовушли доплерография ёрдамида амалга оширилиб, кўрсаткичлар компьютер тизими ёрдамида баҳоланди. Ўтказилган тадқиқотлар жароҳатли инфекция соҳасидаги оксигенацияни таъсирланмаган аъзо носимметрик соҳаси билан солиштирганда сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди (зарарланган оёқ – $20,09 \pm 1,3$ мм.сим.уст., зарарланмаган оёқ – $28,1 \pm 0,9$ мм.сим.уст., $p < 0,001$).

Барча ўрганилган беморларда интоксикация белгилари ва яллиғланиш реакцияси синдромининг турли даражада ифодаланганлиги аниқланди, бунда даволаш комплексига детоксикация қилувчи воситалар (инфузион-детоксикацион терапия) қўшилди.

Тадқиқотдаги барча беморларда оёқларни кесиш соҳасини аниқлашнинг одатий усулларига асосланиб, зарарланган аъзонинг турли сатҳларидан ампутациялар ўтказилди. Таққослаш гуруҳидаги беморларни жарроҳлик даволаш (оёқларни ампутация қилиш) натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қатор чора-тадбирлар фонида ўрганилаётган гуруҳдаги 38 (23,9%) нафар беморда ҳам патологик жараённинг ампутация сатҳида кучайиб бориши (йирингли некротик асорат), ҳам ТЯЖС белгилари кузатилди.

14 (8,8%) нафар беморларда оёқ бармоқларидаги ампутация чўлтоқларининг йирингли-некротик асоратлари кузатилиб, 6 (3,8%) беморда товон сатҳида реампутация ўтказилди, йирингли – некротик асоратларнинг кучайиб бориши, ёки бутун товон ва болдир бўйлаб тарқалганлиги сабабли 5 (3,1%) нафар беморга ҳаётий кўрсатмаларга биноан реампутация болдир ўрта учлиги сатҳида (2-1,3% нафарида болдир юқори учлигида, қолган 3-1,9% нафар беморда сон пастки учлигидан) реампутациялар бажарилди. Товон сатҳида бажарилган ампутациядан кейин жароҳат инфекциясининг ривожланиши 10 (6,3%) беморда кузатилиб, шундан 7 (4,4%) беморда кейинчалик болдир юқори учлигидан, 1 (0,6%) беморда соннинг пастки учлигидан, ҳамда 2 (1,3%) беморда соннинг ўрта учлигидан ампутация қилинган. 11 (6,9%) нафар болдир сатҳида ампутация ўтказган беморларнинг 5 (3,1%) нафарида санация ва некрэктомиядан кейин ампутацион чўлтоқнинг жароҳатли инфекциясини бартараф қилиш имкони бўлди, ҳамжа жароҳат иккиламчи битди. 6 (3,8%) беморда йирингли-некротик жараённи тўхтатиш имкони бўлмади ва ҳаётий кўрсатмаларга кўра, 1 нафар беморда соннинг ўрта учлигидан, ҳамда 5 нафар беморда соннинг юқори учлигидан реампутация бажаришга тўғри келди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, турли сатҳларда бажарилган ампутациялардан кейин санаб ўтилган йирингли-некротик асоратлар оёқларнинг юқори сатҳда кесилишига сабаб бўлди.

Оёқларнинг ампутация чўлтоғидаги йирингли-некротик асоратларнинг юқори фоизи, чўлтоқ соҳасидаги қайта жарроҳлик аралашувлар ва реампутацияларнинг юқори кўрсаткичи такрорий жарроҳлик аралашувларнинг юқори даражаси таклиф қилинган ампутация сатҳидаги тўқималар ҳаётийлигини аниқлашнинг янги мақбул усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, ТЯЖС кузатилганда маҳаллий қон айланишини ва детоксикация усуллари такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Диабетик товон синдромининг йирингли-некротик асоратларини даволашда оёқларда ампутация сатҳини аниқлашнинг мақбул усулини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш»** деб номланган тўртинчи бобида юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини аниқлаш, шунингдек оёқ ампутацияси натижаларини прогнозлаштириш мезонларини мақбуллаштириш учун лактоферрин кўрсаткичларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича натижалар келтирилган.

Ампутация сатҳини аниқлаш учун биз оёқларнинг ампутация қилиниши керак бўлган соҳасидаги юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқдик ва клиника амалиётига жорий қилдик. Юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини аниқлаш қуйидагича ўтказилади:

Ампутация сатҳини аниқлашда одатий қўлланиладиган текшириш усуллари ташқари (ТЕИ, транскутан оксиметрия, доплерография, ангиография), режалаштирилган ампутация соҳасида ингичка игнали пункция амалга оширилиб, ҳаётийлигини аниқлаш мақсадида экспресс гистологик текшириш учун чуқурдаги юмшоқ тўқималардан (мушаклар) биопсия материали олинди. Биоптат олиш ингичка игнали пункция орқали оёқларнинг кесилиши тахмин қилинган сатҳида, шунингдек, ушбу сатҳдан 3 см ва 5 см баландликда амалга оширилди. Юмшоқ тўқималар (мушаклар) ҳаётийлиги қуйидаги гистологик белгилар орқали аниқланди: лейкоцитар инфильтрация; кариолизис; миоцитлар цитолизи. Максимал ҳаётийлик аниқланган олинган биоптат намунасининг у ёки бу сатҳи орқали кесишнинг мақбул соҳаси аниқланди.

Режалаштирилган ампутациянинг текширилган ҳар учала нуқтасида некрознинг гистологик белгилари ва юмшоқ тўқималарнинг некролизи мавжуд бўлганда, юқори ампутацияларга устунлик берилди.

Кейинчалик, режалаштирилган ампутация сатҳида лактоферрин кўрсаткичларини аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини тўқималар ҳаётийлигини аниқлашнинг экспресс гистологик усули билан ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш амалга оширилди.

Ушбу усулни ишлаб чиқиш ва уни клиника амалиётига татбиқ этиш учун лаборатор ҳайвонлар устида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди (ҳар икки жинсдаги, 12 та оқ, зотсиз, 200-250 гр. оғирликдаги каламушлар). Маҳаллий инфилтратион оғриқсизлантириш остида ингичка игнали

пункцион биопсия учун махсус ускуна ёрдамида хайвоннинг орқа оёғидаги сон мушакларидан 1 г мушак тўқимаси олинди. Олинган мушак тўқимаси 1:1 нисбатта изотоник эритма билан биргаликда, оқава сувда ювилган ҳамда 96%ли спирт билан ишлов берилган керамик ўғирчада механик эзиб, эзилган масса эппендорфга солиб -2°C ли музлатгичга музлатилади. Тайёрланган материал ИФА махсус реактивлар ёрдамида оксил моддаларига, хусусан лактоферин миқдори аниқланади. Шундай қилиб, оёқ юмшоқ тўқималаридаги лактоферин нормал миқдорини ($2,91 \pm 0,10$) аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Лактоферин миқдорининг нормал қийматларини аниқлаб, оёқ юмшоқ тўқималарида некроз, ёки қайтмас ўзгаришлар кузатиладиган патологик жараёнларда лактоферин қийматларининг градациясини таклиф қилдик. Шу билан бирга, мушак тўқималарида лактоферин даражасининг 5 маротабагача кўтарилиши чегара сифатида талқин қилинди, ундан юқори кўрсаткичларда юмшоқ тўқималар некрозининг барча шакллантирилган гистологик белгилари (лейкоцитар инфильтрация, кариопикноз, кариолизис, миоцитларнинг цитолизи, мушак толалари кўндаланг тарғиллигининг бузилиши) аниқланди. Юқорида баён қилинган иккитадан ортик бўлмаган белгилар аниқланганда, оёқнинг ушбу соҳасидаги микроциркуляция оқимини аҳамиятли яхшилаш ҳисобига юмшоқ тўқималар ҳаётлийлигини режалаштирилган ампутация сатҳида тиклаш имкони сақлаб қолинди. Шу сабабли, микроциркуляцияни яхшилаш ва шу орқали режалаштирилган сатҳда ампутация бажаришдан кейинги жароҳатлар битиши учун қулай шароит яратиш мақсадида биз маҳаллий таъсирга эга бўлган электромагнит фотон матрицали нурлантириш усулини қўладик. Бунинг учун биз «БарваФлекс» (электромагнит фотон матрицали нурлантиргич) қурилмасидан фойдаландик. Кўрсатмаларга кўра, оёқларни у ёки бу сатҳда ампутация қилишга қарор қилинган беморларда, ампутациянинг режалаштирилган сатҳида ингичка игнали пункцион усулда (ИИПЭГ) олинган мушак тўқимасининг гистологик текширувида ҳаётлийлик мезонлари шубҳали бўлиши оёқларнинг юқори ампутациясини бажаришга мажбур қилади, бу эса ўз навбатида ДТС билан оғриган беморлар иш қобилиятини яққол йўқотилишига олиб келади.

Маълумки, маҳаллий микроциркуляцион оқимнинг чуқур бузилиши билан бевосита боғлиқ бўлган маҳаллий ишемия ампутицион чўлтоқ битишининг қониқарсиз натижаларининг сабаби ҳисобланади. Ушбу усул қуйидагича бажарилади: биз режалаштирилган ампутация сатҳида Коробов «Барва-Флекс/СИК» қурилмаси ёрдамида кунига 2 маротаба 10 дақиқа давомида (1-3 кун) электромагнит фотон матрицали нурлантириш сеансларини ўтказдик. Режалаштирилган ампутация сатҳида микроциркуляцияни яхшилашнинг биз томондан ишлаб чиқилган усулига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 07441 19.05.2023).

Ушбу усулдан фойдаланиш маҳаллий микроциркуляциянинг аҳамиятли яхшиланишига олиб келди (6 – расм), бу тўқималарнинг кислород билан тўйинганлиги ва такрорий ингичка игнали биопсия натижалари билан

тасдиқланган бўлиб, ўрганилган материалда тўқималар ҳаётийлик белгиларининг кескин яхшиланиши қайд этилган. Шу орқали оёқларни ушбу сатҳда ампутация бажариш имкони юзага келади. Ушбу усул оёқ проксимал ампутациялари сонини камайтириш имконини берди.



6 – расм. Фотон-матрицали электромагнит нурлантириш сеанслари.

Юқорида айтиб ўтилганидек, барча беморларда ТЯЖСнинг яққол белгилари аниқланди. Асосий гуруҳ беморларида биз плазмани гипохлорит натрий билан билвосита электрокимёвий оксигенацияси (БЭКО), қўшимча озонлаш, ҳамда детоксикация қилинган плазма реинфузияси билан ўтказиладиган плазмаферез (ПФ) бажариш орқали организмни детоксикация қилишнинг янги усулини қўлладик. Ушбу усул қисқа вақт ичида ТЯЖС белгиларининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

Эндотоксемияга фаол таъсир кўрсатиш, кислород гомеостазининг бузилишини бартараф этиш ва иммунитетни кучайтирувчи таъсир кўрсатиш учун асосий гуруҳдаги беморлар даволаш режасига плазмани гипохлорит натрий билан билвосита электрокимёвий оксигенацияси (БЭКО), қўшимча озонлаш, ҳамда детоксикация қилинган плазма реинфузияси билан ўтказиладиган плазмаферез (ПФ) киритилди. Эксфузияланган плазмани қайта қуйишга имкон берувчи детоксикацияланиш меъзонлари Н.М. Федоровский (2004) бўйича аниқланди.

ДТСнинг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларда организмни детоксикация қилишнинг тавсия этилган усули самарадорлигини таҳлил қилиш ижобий тенденцияни кўрсатди, бу такомиллаштирилган плазмаферез усулининг биринчи сеансдан кейин организм интоксикацияси кўрсаткичларининг кескин пасайишида намоён бўлди.

Даволашнинг 1-кунидаги текширувларларда қуйидаги натижаларга эришилди. Беморларнинг тана ҳарорати $38,8 \pm 0,6$ °С, қондаги лейкоцитлар миқдори $12,4 \pm 0,7 \times 10^9$ /л, ўрта молекуляр оғирликка эга бўлган пептидлар ҳажми $0,185 \pm 0,015$ бирликни ташкил этди. Шу билан бирга, ЛИИ ва ЭЧТ кўрсаткичларининг мос равишда $2,1 \pm 0,19$ ва $42,4 \pm 2,1$ гача кўтарилиши кузатилди. Беморлар келган вақтида сатурация $90\% \pm 1,5$ ни ташкил этди.

Учинчи сеансдан кейин тана ҳароратининг $38,8 \pm 0,6$ °С дан $36,8 \pm 0,5$ °С гача сезиларли пасайиши (фарқлар аҳамиятсиз), қонда лейкоцитлар миқдори $7,1 \pm 0,4 \times 10^9$ /л гача камайиши кузатилди. Қондаги лейкоцитлар миқдори

аввалгига нисбатан 24.47% камайди. Қондаги МСМ $0,132 \pm 0,012$ бирликгача, яъни 28,65% га камайди. Сатурация $95 \pm 1,2$. гача ошди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иккинчи асосий гуруҳни (2021-2023 йй.) 153 (49,04%) нафар бемор ташкил этиб, улар учун жарроҳлик даволаш комплекси ҳаётий кўрсатмаларга кўра оёқларни турли сатҳларда ампутацияси ва операциядан олдинги тайёрлашнинг такомиллаштирилган усулини қўллашдан иборат бўлди. Беморларнинг асосий гуруҳида оёқларни кесиш сатҳини танлаш учун, одатий текширув усулларида ташқари, юмшоқ тўқималарни ИИПЭГ ва лактоферрин миқдорини аниқлаш қўлланилди.

Текширилган 153 нафар беморда зарарланган оёқдаги патологик жараёнлар қуйидаги шакллар: 43 (28,1%) беморда товоннинг йирингли-некротик флегмонаси, 62 (40,5%) беморда товон бармоқларининг гангренаси (қуруқ ва нам), 33 (21,6%) беморда товон дистал қисмининг гангренаси (қуруқ ва хўл), ҳамда 15 (9,8%) беморда товон, товон усти соҳа ва болдирнинг юқорига кўтарилувчи чирикли флегмонаси билан ифодаланди.

Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳдаги беморларнинг аксарияти, яъни 147 (96,1%) нафар бемор ҳамроҳ касалликларга чалинган. Улардан 18 (11,9%) нафарида ўткир коронар синдром, 37 (24,5%) нафарида постинфаркт кардиосклероз (ПИКС), 17 (11,3%) беморда мияда қон айланишининг ўткир бузилишидан кейинги ҳолат, 37 (24,5%) беморда артериал гипертензия аниқланди. Аниқланиш частотаси бўйича биринчи ўринда диабетик нефропатия бўлиб, у 42 (27,7%) нафар беморда топилди.

Беморларнинг асосий гуруҳида қуйидаги жарроҳлик аралашувлари (ампутациялар) амалга оширилди: бармоқ ампутацияси 24 (15,1%) беморда, товон атипик резекцияси 21 (13,2%) беморда, Шарп бўйича ампутация 18 (11,3%) беморда, Лисфранк бўйича ампутация 6 (3,8%) беморда, болдир ўрта учлигидан ампутация 6 (3,8%) беморда, болдир юқори учлигидан ампутация 25 (15,7%) беморда, гилотинли ампутациялар 4 (2,5%) беморда, сон пастки учлигидан ампутация 5 (9,4%) беморда, сон ўрта учлигидан ампутация 20 (12,6%) беморда, ҳамда сон юқори учлигидан ампутация 19 (11,9%) нафар беморларга бажарилди.

Шуни таъкидлаш керакки, 12 (7,8%) нафар беморда ингичка игнали биопсия ўтказиш вақтида дастлаб лейкоцитар инфилтрация ва кариопикноз аниқланди, бу ўрганилаётган биопсия материали ҳаётийлигининг шубҳали эканлигини англатади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, маҳаллий микроциркуляцияни ва юмшоқ тўқималар яшаш қобилиятини яхшилаш учун «Барва-Флекс» фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнит нурлантириш усули қўлланилди. Ушбу усул тахмин қилинаётган ампутация соҳасида микроциркуляцияни сезиларли даражада яхшилашга имкон берди, буни «Барва-Флекс» фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнит нурлантириш курсидан кейинги такрорий гистологик ва биокимёвий (лактоферрин миқдори) текширувлар (1 – жадвал) билан тасдиқланган юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини кескин яхшиланиши ҳам исботлади. Юқоридагиларнинг барчаси ампутацияларни юқори сатҳда

бажариш ва беморларни ногирон қилишни олдини олиш, ҳамда уни дастлаб режалаштирилган сатҳда бажариш имконини берди.

1 – жадвал

Даволаш босқичларидаги лактоферрин даражаси

Кўрсаткич	Беморлар келган вақтидаги бирламчи биопсияда	Электромагнитли нурлантириш курсидан кейинги қайта биопсияда
Лактоферрин	15,05±0,57	8,23±0,40

Ушбу тадқиқот гуруҳидаги беморларда режалаштирилган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарни қон билан таъминланиши ва ҳаётийлигини аниқлаш учун қуйидаги инструментал текширув усуллари ўтказилди: тери термометрияси, бунда беморнинг умумий аҳволи, ҳамда тизимли яллиғланиш жавоб синдроми белгиларининг оғирлиги қараб тери ҳароратининг сезиларли ўзгарувчанлиги аниқланди. Бундан ташқари, беморларда тўпиқ - елка индекси – ТЕИни аниқлаш мажбурий бўлиб, унинг 0,9 қиймати мақбул деб ҳисобланди (2-жадвал).

2 – жадвал

Асосий гуруҳдаги беморларда маҳаллий оксигенация и ТЕИ кўрсаткичларининг даражаси

Кўрсаткичлар	Келган вақтида	3 суткаларда	5 суткаларда
ТсрО ₂ (мм.сим.уст.)	21,5±4	25,1±3,6	32,5±4,0
ТЕИ	0,76±0,05	0,85±0,05	0,90±0,06

Товон ва болдир артерияларидаги магистрал қон оқими ҳолатини текшириш ултратовушли доплерография ёрдамида амалга оширилди. Даволаш бошланишидан олдин беморлар товон ва болдир артерияларида қон оқимининг сезиларли даражада пасайганлиги қайд этилди.

ТЕИни ҳисоблашда барча текширилган беморларда унинг сезиларли пасайиши аниқланди. Юқоридаги барча кўрсаткичлар таққослаш гуруҳидаги беморларда кузатилган қийматларга мос келди.

Ўтказилган тадқиқотлар жароҳатли инфекция соҳасидаги оксигенация даражасини зарарланмаган оёқ симметрик соҳаси билан солиштирганда сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди (зарарланган оёқда – 20,09±1,3 мм.сим.уст., зарарланмаган оёқда – 28,1±0,9 мм.сим.уст., p<0,001).

Барча ўрганилган беморларда ТЯЖС белгиларининг турли даражада ифодаланиши кузатилди, бу ҳолатда даволаш комплексига детоксикация усуллари (инфузион-детоксикацион терапия) қўшилди.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг жарроҳлик даволаш (оёқ ампутацияси) натижалари самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини баҳолаш, маҳаллий қон айланишини яхшилаш, шунингдек, ТЯЖС кўринишида намоён бўлувчи эндоген интоксикацияни бартараф қилиш учун таклиф қилинган усуллар фонида оёқларнинг ампутация сатҳидаги йирингли-некротик асоратлар сонининг сезиларли пасайиши, шунингдек, ўтказилган реампутациялар сонининг сезиларли камайиши кузатилди.

Тадқиқот ўтказилган барча 153 нафар беморда оёқ ампутацияларининг мақбул сатҳини аниқлаш учун биз таклиф қилган усулларга асосланиб, зарарланган оёқнинг турли сатҳларида ампутациялар ўтказилди. Асосий гуруҳдаги беморларнинг жарроҳлик даволаш (оёқ ампутациялари) натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу гуруҳдаги 16 (10,5%) нафар беморда бир қатор чора-тадбирлар фонида ампутация сатҳида патологик жараённинг кучайиши (йирингли некротик асорат), ҳамда ТЯЖС белгилари кузатилди.

Бунда, 6 (3,9%) нафар беморда товон бармоқларининг ампутация чўлтоғида йирингли-некротик асоратлар кузатилиб – 3 (2,0%) беморда товон сатҳида реампутация бажарилди (атипик резекция), йирингли-некротик жараённинг кучайиши, ҳамда товон ва болдир бўйлаб тарқалиши туфайли 2 (1,3%) нафар беморга ҳаётий кўрсатмаларга кўра, болдир ўрта учлиги сатҳида реампутация, 1 (0,7%) нафар беморга эса болдир юқори учлигидан ампутация бажарилди.

Оёқнинг товон қисми соҳасидан ампутациядан кейин жароҳат инфекциясининг ривожланиши 5 (3,3%) беморда кузатилган – шундан 4 (2,6%) бемор кейинчалик болдирнинг юқори учдан бир қисми соҳасида ампутация қилинган, 1 (0,7%) беморда соннинг пастки учдан бир қисми соҳасида ампутация қилинган.

Йирингли-некротик асоратлар 5 (3,3) беморларда ампутация товон соҳасида кузатилди, шундан 4 (2,6%) бемор чоклар шишиши, некротик тўқималарни олиб ташлаш ва икки марталик малҳам санацияси, жароҳат инфекцияси йўқ қилинди, шундан сўнг иккинчи даражали чоклар қўлланилди. Беморнинг 1 (0,7) фоизида маҳаллий некрэктомия ва ПЭГ асосидаги малҳамни санация қилиш фонида патологик жараённи тўхтатиш мумкин эмас эди ва ҳаётий кўрсаткичларга кўра, бемор соннинг юқори учдан бир қисми соҳасида ампутация қилинди.

Шундай қилиб, ДТС да йирингли-некротик асоратлар ва ТЯЖС бўлган беморлар жарроҳлик беморлар орасида энг оғир контингентлардан бири бўлиб қолмоқда. Афсуски, ушбу беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун оёқларни турли сатҳларда ампутация бажариш талаб этилади. Бироқ, операциядан кейинги даврда жароҳат битишига таъсир қилувчи кўплаб омиллар мавжуд бўлиб, улар кўпинча оёқ ампутация чўлтоғининг йирингли-некротик асоратлари ривожланишига олиб келади.

Буларнинг барчаси бемор умумий аҳволини оғирлаштиради ва реампутация бажариш эҳтимоли юқори бўлишини белгилайди. Юқоридаги асоратларнинг асосий омилларидан бири - ампутациянинг лозим сатҳини аниқлашнинг одатий усулларига таяниб, режалаштирилган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини баҳолашнинг яширин, ҳамда объектив жиҳатдан қийин ташхисланувчи имкониятлари ҳисобланади.

Шунингдек, кўпинча жарроҳлик даволаш натижасига ТЯЖС белгиларининг ифодаланганлик белгилари билан ҳам белгиланади. ДТС бўлган беморларда оёқларни турли сатҳларда ампутация қилишда режалаштирилган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётийлигини биз

таклиф қилган замонавий усуллар билан етарли даражада баҳолаш, шунингдек операциядан олдинги даврда организм детоксикациясининг такомиллаштирилган усулини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Таққосланаётган гуруҳлардаги беморларда ТЯЖС билан бўлган ДТС нинг йирингли некротик асоратларини комплекс жарроҳлик даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида таққосланаётган гуруҳларда режалаштирилаётган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётлийлигини баҳолаш учун тавсия этилган усуллар ва организм детоксикация усуллари нинг самарадорлигининг қиёсий тавсифи келтирилган.

Натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, организм интоксикациясининг асосий белгиларидан бири тана ҳароратининг кўтарилиши бўлиб, у нормал қийматларга етгунча таққослаш гуруҳида аста-секин пасайди, асосий гуруҳдаги беморларда эса тана ҳароратининг нормаллашиши кузатувнинг 5-кунида содир бўлди. Бундан ташқари, ушбу кўрсаткич операциядан кейинги даврда нормал қийматлар даражасида бўлди.

Шу билан бирга, биз қиёсий гуруҳлар ўртасида ЛИИ ($P < 0,001$) бўйича сезиларли фарқ борлигини ҳам кузатдик. Асосий гуруҳдаги беморларда нафақат ушбу кўрсаткичнинг тез пасайиши, балки унинг сезиларли даражада тез нормаллашиши ҳам кузатилди. ЭЧТ бўйича натижаларнинг ЛИИ кўрсаткичига ўхшаш тарзда эканлиги ҳам аниқланди. Агар ҳар иккала гуруҳларда даволаш бошланишидан олдин юқори кўрсаткичлар аниқланган бўлса, асосий гуруҳ беморларида даволашнинг 5-кунига келиб уларнинг аҳамиятли пасайиши, яъни нормал қийматлари кузатилди ($P < 0,001$). Ҳолбуки, таққослаш гуруҳидаги ушбу кўрсаткичлар юқорида айтиб ўтилган муддатда нормал қийматларгача камаймади ва юқори даражада сақланиб қолди. Тўқималардаги кислороднинг парциал босими (SpO_2) кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланди. Текширув давомида бемор организмиде детоксикация қилишга қаратилган асосий даволаш чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, таққослаш гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткич паст даражада сақланиб қолди. Дискрет плазмаферез ёрдамида организм детоксикациясининг такомиллаштирилган усули қўлланилганда SpO_2 кўрсаткичи даволашнинг 3-кунида нормал қийматга келди ($P < 0.001$).


Шундай қилиб, ДТСнинг йирингли – некротик асоратлари ТЯЖС билан бўлган беморларда организм интоксикацияси кўрсаткичларини (тана ҳарорати, қондаги лейкоцитлар миқдори, МСМ (шартли бирликлар), ЛИИ, ЭЧТ, SpO_2) ўрганиш шуни кўрсатдики, иккала гуруҳнинг барча беморларида келган вақтида юқоридаги кўрсаткичлар нормал қийматларга нисбатан аҳамиятли даражада юқори бўлган ($P < 0.001$). Аммо биз таклиф қилган усул бўйича амалга оширилган плазмаферездан кейин ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилди. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ушбу кўрсаткичлар бир томонлама, аммо комплекс даволашнинг турли усулларида сўнг ҳар хил интенсивлик билан ўзгаришга мойил бўлди. Анъанавий даволашдан кейин (таққослаш гуруҳи) юқоридаги

кўрсаткичларнинг аста-секин пасайиши кузатилган бўлсада, кўпинча нормал қийматларгача етиб бормади. Дискрет плазмаферезни ўз ичига олган комплекс даволашдан сўнг кўрсаткичлар аҳамиятли даражада тез пасайиб, қисқа вақт ичида нормал қийматларга етди. Бу ДТСнинг йирингли-некротик асоратлари ТЯЖС билан бўлган беморларни комплекс даволашнинг яққол детоксикацион самарадорлигини исботлайди.

Оёқлар зарарланиш даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қиёсий гуруҳлардаги беморлар зарарланган оёқларидаги патологик жараёнлар бир – бирига мос келади. Бунда, таққослаш гуруҳидаги беморларда йирингли-некротик флегмона 28,2% ҳолатда аниқланган бўлса, асосий гуруҳдаги беморларнинг 28,1% кузатилган. Таққослаш гуруҳидаги беморларда товон гангренаси беморлар умумий сонининг 40,25% ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар 40,52% ташкил этди, товон дистал қисмининг гангренаси мос равишда 21,38% ва 21,57% ҳолатларда кузатилди. Товон, товон усти соҳа ва болдирнинг кўтарилувчи чирикли флегмонаси мос равишда 10,06% ва 9,8% ҳолатларда аниқланди. Қиёсий гуруҳлардаги ҳамроҳ касалликларнинг таҳлили ҳам мос равишда, яъни репрезентатив бўлди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, таққослаш гуруҳидаги 159 нафар беморларда оёқларни турли сатҳларидан амалга оширилган ампутациялар сони 197 (123,9%) тани ташкил этди, яъни бирламчи ампутация қилинганидан кейин патологик жараён, ҳамда жароҳат инфекциясининг кучайиб бориши фонида биз реампутация бажаришга мажбур бўлдик ва бу ҳолат жарроҳлик аралашувлар сонини кўпайишига олиб келди. Асосий гуруҳдаги 153 беморда амалга оширилган ампутациялар сони эса мос равишда 169 (110,5%) тани ташкил этди.

Микроциркуляцион оқимни коррекция қилишнинг турли усуллари фонида қиёсий гуруҳлардаги беморлар ТЕИ қиёсий динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ беморларида ТЕИнинг аҳамиятли ошиши билан сезиларли клиник ва гемодинамик яхшиланиш кузатилган (8 – расм).



8 – расм. «БарваФлекс» фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнитли нурлантириш сеанслари олган асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларда ТЕИ нинг қиёсий динамикаси.

Маълумки, жароҳат тўқималарининг кислород билан тўйинганлигининг нормал кўрсаткичлари $45,5 \pm 0,5$ мм.сим.уст.ни ташкил этади. 9-расмдан кўриниб турибдики, шифохонага ётқизилган вақтда таққослаш гуруҳи ва

асосий гуруҳ беморларида $TcPO_2$ нинг бошланғич даражаси бир – бирдан аҳамиятли даражада фарқ қилмасдан, мос равишда $21,2 \pm 3,5$ ва $21,5 \pm 4$ мм.сим.уст.ни ташкил этди ($P < 0,05$).



9 – расм. ТЯЖС бўлган ДТС билан беморларда йирингли – некротик зарарланган оёқ тўқималарининг кислород билан тўйинишининг ($TcPO_2$) қиёсий динамикаси, мм.сим.уст.

Аммо, кейинчалик барча кўрсаткичлар кузатув давомийлигига қараб ҳар хил интенсивликда ўзгарди. Агар таққослаш гуруҳида даволашдан кейин кўрсаткичларнинг ўсиши бир текис бўлиб, операциядан олдин нормал қийматларга етмаган бўлса (кузатув кунларига кўра мос равишда $21,2 \pm 3,5$ мм.сим.уст.; $23,3 \pm 3,3$ мм.сим.уст.; $27,2 \pm 4,1$ мм.сим.уст.), асосий гуруҳда «Барва-Флекс» фотон матрицали нурлантиргичи ёрдамида, биз таклиф қилган усул (ЎЗР ихтиро патенти № IAP 07441 19.05.2023) билан электромагнит нурлантириш сеансларини ўтказгандан сўнг бу кўрсаткичлар катта интенсивлик билан ошиб, аксарият ҳолларда даволашнинг 3-кунда режалаштирилган кесиш сатҳидаги оёқ юмшоқ тўқималари ҳаётлийлигини билвосита тасдиқловчи чегараларга эришилишига олиб келди (кузатув кунларига кўра мос равишда $21,5 \pm 4$ мм.сим.уст.; $25,1 \pm 3,6$ мм.сим.уст.; $32,5 \pm 4,0$ мм.сим.уст.).

Шундай қилиб, диабетик товон синдромининг йирингли – некротик зарарланишлари бўлган беморларда режалаштирилган ампутация сатҳидаги жароҳат юмшоқ тўқималарининг кислород билан тўйинганлиги ($TcPO_2$) динамикаси ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, ҳар иккала гуруҳда ўтказилган даволаш чора – тадбирларидан кейин, пасайган $TcPO_2$ кўрсаткичларининг дастлаб турли интенсивликда ошишига мойиллик кузатилиб, таққослаш гуруҳидаги беморларда 5 кундан кейин ҳам ампутация чўлтоғини битишини тахмин қилишга имкон берувчи даражагача етмаган бўлса, асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич «БарваФлекс» фотон матрицали нурлантиргичи ёрдамида нурлантиришнинг 3 сеансини ўтказгандан кейин ушбу даражага етди. Режалаштирилган ампутация сатҳидаги юмшоқ тўқималарининг кислород билан тўйинганлик динамикасининг яхшиланиши операцион жарроҳ томонидан оёқларни проксимал (юқоридан) эмас, балки режалаштирилган сатҳда кесишга имкон берди.

Тадқиқот гуруҳларида амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуаси фонида гемостаз тизими ҳолати қиёсий таҳлил қилинганда аҳамиятли фарқлар аниқламади, яъни улар бир – бирига мос бўлди.

Оёқларда микроциркуляция бузилишларини коррекция қилиш бошланишидан олдин, барча беморларда магистрал қон оқимининг тезлиги, периферик артерияларда ўртача қон оқими тезлиги ва пульс индексининг аҳамиятли даражада пасайиши кузатилди. Таққослаш гуруҳидаги беморларда ушбу кўрсаткичларнинг аҳамиятли даражада яхшиланиш тенденцияси кузатилмаган бўлса, асосий гуруҳ беморларида «БарваФлекс» фотон матрицали нурлантиргичи ёрдамида электромагнит нурлантириш сеанслари ўтказилгандан сўнг юқоридаги кўрсаткичларнинг аҳамиятли яхшиланиши кузатилди (3-жадвал).

3 – жадвал.

Тадқиқот гуруҳидаги беморларда доплерография ва доплерометрия маълумотлари

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Норма
	1 сутка	5 сутка	1 сутка	5 сутка	
Қон оқимининг ўртача тезлиги (см/с)	0,77±0,02	1,21±0,17	0,76±0,03	1,24±0,12	1,62±0,13
Чизиқли қон оқимининг тезлиги (см/с)	4,88±1,54	5,07±0,36	4,90±1,50	5,14±0,40	6,12±0,97
Пульс индекси	5,01±0,46	5,52±0,36	5,10±0,41	6,61±0,42	9,8±1,1


Биз мушак тўқималаридаги гистологик ўзгаришлар, ҳамда лактоферрин даражасидаги ўзгариш натижалари ўртасидаги боғлиқликни ўргандик.

Лактоферрин даражасининг 3-5 мартаба кўпайиши ва мушак тўқималари ҳаётийлигини баҳолашнинг гистологик меъзонлари ўртасида ўрта кучли корреляцион боғлиқлик ($r = +0,471$), лактоферрин даражасининг 5-10 мартаба кўпайиши ва ИИПЭГ ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик ($r = +0,648$) аниқланди. ЛФ даражаси ва мушак тўқималари ҳаётийлигини баҳолашнинг гистологик меъзонлари ўртасидаги корреляция коэффициенти барча олинган корреляция қийматларининг статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Лактоферрин даражаси натижаларининг мушак тўқималари ҳаётийлиги бузилишининг гистологик белгилари билан корреляцион боғлиқлигини аниқланган кўрсаткичлари операциядан олдинги экспресс текширувнинг (ИИПЭГ) объектив хусусиятини тасдиқлайди.

Таққослаш гуруҳидаги беморлар жарроҳлик даволаш (оёқ ампутациялари) натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, терапевтик чора-тадбирлар мажмуаси фонида 38 (23,9%) нафар беморларда ампутация сатҳида патологик жараённинг кучайганлиги (йирингли – некротик асоратлар), ҳамда ТЯЖС ривожланганлигини кўрсатди.

Беморларнинг асосий гуруҳида жарроҳлик даволаш (оёқ ампутациялари) натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бир қатор чора-тадбирлар фонида ушбу гуруҳнинг 16 (10,5%) нафар беморида ампутация сатҳидаги патологик жараённинг кучайганлиги (йирингли – некротик асорат), ҳамда ТЯЖС ривожланганлигини кўрсатди.

Оёқларни юқори сатҳда реампутация қилинишига сабаб бўлган йирингли – некротик асоратларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, таққослаш гуруҳида бармоқлар ампутация чўлтоғининг йирингли-некротик асоратлари 8,8% ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда ушбу асоратлар беморларнинг 3,9% кузатилган. Таққослаш гуруҳида товон сатҳида жароҳат инфекциясининг зўрайиб бориши 6,3%, асосий гуруҳда эса 3,3% ташкил этди. Таққослаш гуруҳида болдир ампутацион чўлтоғи жароҳат инфекциясининг зўрайиши 3,9% ҳолатда кузатилган бўлса, асосий гуруҳдаги бу кўрсаткич 3,3% ташкил қилган. Таққослаш гуруҳида сон ампутацион чўлтоғи жароҳат инфекциясининг кучайиши 1,9% ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда бу каби асоратлар кузатилмаган (10 – расм).



10 – расм. Қиёсий гуруҳларда операциядан кейинги йирингли – некротик асоратлар.

Таққослаш гуруҳларида ўлим сабабларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, таққослаш гуруҳида ўлим ҳолатлари 11,95% беморларда кузатилган бўлса, асосий гуруҳ беморларида бу кўрсаткич аҳамиятли даражада камайиб 3,92% ташкил этди (4-жадвал).

4 – жадвал.

Тадқиқот гуруҳларидаги беморларда ўлим ҳолатларининг сабаблари

Сабаблар	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	Абс	%	Абс	%
Ўтқир юрак етишмовчилиги	3	1,9	1	0,65
Бошқариб бўлмайдиган гипотония	2	1,3	1	0,65
Ўпка артерияси тромбоэмболияси	2	1,3	1	0,65
Буйрак етишмовчилиги	3	1,9	-	
Полиорган дисфункция	9	5,7	3	1,96%
Жами	19	11,95	6	3,92

Ўтказилган тадқиқотлар асосида биз ДТСнинг йирингли-некротик асоратлари ТЯЖС билан бўлган беморларда ампутация режалаштирилган сатҳидан махсус игна ёрдамида ингичка игнали пункция орқали олинган мушак тўқимаси ҳаётийлигини экспресс гистология усулида аниқлаш, ҳамда тўқима суюқлигидаги лактоферрин миқдорини текширишга асосланган оёқларни энг мақбул (лозим) ампутация сатҳини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқдик (11 - расм).



11 – расм. ДТС йирингли – некротик асоратлари ТЯЖС билан биргаликда кечган беморларда оёқлар ампутациясининг мақбул (лозим бўлган) сатҳини аниқлаш алгоритми.

Ишлаб чиқилган алгоритмнинг қўлланилиши оёқларни кесишнинг режалаштирилган сатҳини белгилашнинг одатий усуллари тамойилларини амалга ошириш асосида у, ёки бу сатҳдан ампутация бажариш тартибини тубдан ўзгартиришга имкон беради, бу эса беморларнинг чуқур ногиронлиги, ҳамда яшаш сифатининг пасайишига олиб келувчи асосиз равишда бажарилган юқори ампутациялар сонини камайтириш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР:

1. Оёқ турли сатҳларида ўтказилган ампутациялардан кейинги қониқарсиз натижаларнинг омиллар таҳлили тахмин қилинган кесиш сатҳидаги оёқ юмшоқ тўқималари ҳаётйлигини ампутацион чўлтоқ соҳасида некроз ва йирингли – некротик жараён ривожланиши нуқтаи назаридан баҳолаш учун қўлланиладиган усуллари информативлигининг пастлигини кўрсатди. Ампутацион чўлтоқ йирингли – некротик асоратлари, ҳамда реампутацияларнинг юқори фоизи (23,9%) режалаштирилган ампутация сатҳидаги оёқ юмшоқ тўқималари ҳаётйлигини баҳолашнинг мақбул усуллари ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

2. Режалаштирилган кесиш сатҳидаги юмшоқ тўқималар ҳаётйлигини баҳолаш учун қўлланиладиган гистологик текширув, ҳамда лактоферрин даражасини аниқлаш натижаларининг спецификлиги $97 \pm 1,5\%$ ни ташкил этди. Бунда, ИИПЭГ ва лактоферрин миқдори ўртасида кучли ижобий боғлиқлик аниқланди ($r = + 0,735$).

3. Мушак тўқималарининг ҳаётийлигининг шубҳали (иккитадан кўп бўлмаган) белгилари бўлган беморларда «БарваФлекс» фотон матрицали нурлантиргич ёрдамида электромагнит нурлантириш сеансларини ўтказиш тўқималарнинг кислород билан тўйиниш динамикасини аҳамиятли яхшиланишига, ҳамда ампутация сатҳидаги тўқималарнинг омон қолишига, бу эса оёқни юқоридан эмас, балки жарроҳ томонидан мўлжалланган сатҳда бажаришга имкон беради.

4. Дискрет плазмаферез кўринишидаги ТЯЖС га қарши курашиш усулини қўллаш касаллик оқибатига яққол таъсир кўрсатади, бу эса касалликнинг салбий натижалари сонининг аҳамиятли даражада камайиши билан ифодаланади.

5. Ишлаб чиқилган алгоритмнинг қўлланилиши оёқларни кесишнинг режалаштирилган сатҳини белгилашнинг одатий усуллари тамойилларини амалга ошириш асосида у, ёки бу сатҳдан ампутация бажариш тартибини тубдан ўзгартириш, ҳамда мақбуллаштиришга ва асосланмаган оёқ юқори ампутациялари сонини 23,9% дан 10,5% гача, ўлим ҳолатларини эса 11,95% дан 3,92% гача камайтириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ДАВЛАТОВ САЛИМ СУЛАЙМОНОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ОПРЕДЕЛЕНИЯ УРОВНЯ
АМПУТАЦИИ ПРИ ХИРУРГИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ СИНДРОМА
ДИАБЕТИЧЕСКОЙ СТОПЫ**

14.00.27 - Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД– 2024

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2023.3.DSc/Tib921

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.immunology.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные консультант: **Хамдамов Бахтиёр Зарифович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шербек Улуғбек Ахрарович**
доктор медицинских наук
Тешаев Октябрь Рухиллаевич
доктор медицинских наук, профессор
Назаров Шохин Кувватович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Витебский государственный ордена Дружбы народов медицинский университет (Республика Беларусь)**

Защита состоится «__» _____ 2024 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 при Самаркандском государственном медицинском университете (Адрес: 140100, Республика Узбекистан, г. Самарканд, ул. Амира Темура 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за № __). Адрес: 140100, Республика Узбекистан, г. Самарканд, ул. Амира Темура 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2024 года).

Н.Н. Абдуллаева

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.В. Шмырина

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

З.Б. Курбаниязов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным ВОЗ, «...в настоящее время в мире многое достигнуто в области лечения синдрома диабетической стопы (СДС), разработаны мультидисциплинарные подходы к лечению ...»¹. Однако, несмотря на все достижения количество ампутаций ног при гнойно-некротических осложнениях Синдрома диабетической стопы растёт, при этом «каждый час в мире 55 больных диабетом теряют нижнюю конечность, что в свою очередь сопровождается высоким уровнем смертности, затратами на лечение и реабилитацию...»². Наличие признаков ишемии нижних конечностей при синдроме диабетической стопы свидетельствует о плохом исходе гнойно-некротического процесса в конечности. При этом по данным трансатлантического консенсуса в течение первого года с момента первого установления признаков критических ишемии нижних конечностей она разрежается лишь 25% больных, более 30% больных хирурги вынуждены производить высокие ампутации нижних конечностей по жизненным показаниям. По данным литературы, гнойно-некротические осложнения со стороны ампутационной культы конечности составляют от 12 до 23% случаев. При этом, чем дистальнее уровень ампутации, тем выше процент развития гнойно-некротических осложнений со стороны ампутационной культы. Связи с этим, большинство хирургов стараются выполнять высокие ампутации на уровне бедра, так - так, чем выше уровень усечения конечности, тем высока доля первичного натяжения ампутационного культы.

В мировой практике проводятся научные исследования, направленные на разработку новых подходов к определению оптимального уровня усечения нижних конечностей при тяжелых гнойно-некротических осложнениях СДС, которое могло бы, не только сохранить жизнь больных, но и создать благоприятные условия для заживления ампутационной культы и ранней реабилитации данной категории пациентов. При этом особое значение имеет оценка жизнеспособности тканей нижних конечностей, на уровне которых планируется произвести ампутацию, с целью предотвращения гнойно-некротических осложнений со стороны ампутационной культы, которая в большинстве случаев приводит к выполнению в лучшем случае к реампутации, а в худшем, развитию синдрома системной воспалительной реакции, а также полиорганных дисфункции с летальным исходом.

В настоящий период в отечественном здравоохранении предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, для улучшения качества хирургического лечения больных, гнойно-некротическими осложнениями синдрома диабетической стопы, достигнуты положительные

¹ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs377/ru/>

² Бенсман В.М. Хирургия гнойно-некротических осложнений диабетической стопы. Руководство для врачей. - Москва, 2015. - С.495

результаты. Вместе с тем для совершенствования оптимизации определения уровня ампутации нижних конечностей требуется научно-обоснованные результаты, что для снижения послеоперационных гнойно-некротических осложнений со стороны ампутационной культы, инвалидности и летальности является одним из актуальных проблем, имеющих не только медицинское и социальное значения. Среди масштабных мер, проводимых по совершенствованию системы здравоохранения в нашей стране, особое внимание уделяется ранней диагностике заболеваний, снижению и предотвращению их осложнений. В связи с этим из 7 приоритетов, указанных в стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в цели 56 части 4 определены задачи «...реализации комплексных мероприятий, направленных на охрану здоровья населения, повышение потенциала медицинских работников и выполнение программы развития системы здравоохранения, рассчитанной на 2022-2023 годы...»³. Выполнение этих задач позволило снизить частоту послеоперационных гнойно-некротических осложнений после выполнения ампутаций нижних конечностей проведенных по поводу тяжелых форм СДС за счет современных технологий определения наиболее оптимального уровня усечения нижних конечностей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению этих задач, определенных Указами Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельности учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» в постановлениях ПП-4887 от 16 мая 2022 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствия исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящая диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научно-практические исследования в области определения оптимальной уровня усечения нижних конечностей при хирургическом лечении больных с

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

⁴ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshst.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz разработано на основе сайтов.

гноино-некротическими осложнениями синдрома диабетической стопы проводился многими ведущими мировыми исследовательскими центрами, проектами, высшими учебными заведениями, такими как: National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of California (США); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерланды), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Великобритания), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische Universität Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Китай); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); ФГБУ НМИЦ хирургии имени А.В.Вишневого (Российская Федерация); Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии имени Ё.Х.Туракулова; Институт Иммунологии и геномики человека АН РУз; Бухарский государственный медицинский институт; Ташкентская медицинская академия (Узбекистан).

В мире для обоснования клинико-морфологических аспектов прогнозирования исходов хирургического лечения тяжелых форм СДС ведутся научные исследования по следующим приоритетным направлениям, в том числе, оптимизации методов определения уровня усечений нижних конечностей, усовершенствованию методов до операционных мероприятий для обеспечения выживаемости конечности и обоснованию эффективности методов лечения направленных на улучшение местного кровообращения которое даёт возможность максимально уменьшить участок усечения конечности с целью как сохранения опороспособности нижних конечностей, так и создание условий для удобства протезирования ампутированной культы с достоверным улучшением качества жизни пациентов.

Степень изученности проблемы. По данным Американской диабетической ассоциации на сегодняшний день в США до 80% нетравматических ампутаций нижних конечностей происходят из-за осложнений диабета. Показано, что в Германии причиной 72% нетравматических ампутаций нижних конечностей является диабет (Karrer S. 2011; Tuncer O. et al. 2024). В исследовании, проведенном с участием 86 пациентов с диабетом (15–34 месяца, проспективное исследование), при проведении плетизмографии и измерения давления в стопах язвы подошв развились у 35% пациентов с высокими показателями давления в стопах, тогда как ни у одного из пациентов с нормальным давлением в стопах не развилось ни у кого (Arslan 2022; Güner 2023; Tuncer O. et al. 2024).

По мнению авторов недавних исследований в Узбекистане, основной концепцией определения уровня ампутаций нижних конечностей считается данные локального статуса, доплерографии, определения напряжения кислорода на предполагаемой уровне ампутации, ангиографии, термометрии

(Исмаилов С. И., Бердыкулова Д. М. 2012; Камалов Т.Т., 2022; Матмуротов К. Ж. и др. 2024; Сафоев Б.Б. 2023); при этом для определения уровня ампутации нижних конечностей большинством хирургами недостаточно уделяется внимание или игнорируется до ампутационные экспресс методики определения жизнеспособности глублежащих мягких тканей и мышечного массива на предполагаемом уровне ампутации, перспективной являются экспресс гистохимические, морфологические исследования жизнеспособности тканей, которая, повышает успех хирургического лечения больных гнойно-некротическими осложнениями синдрома диабетической стопы (Бабаджанов Б. Д. и др. 2022; Тешаев О.Р., 2023). Вышеуказанное определяет актуальность разработки обоснованных методов определения оптимального уровня усечения конечностей, которое позволит минимизировать послеоперационные осложнения со стороны ампутационной культи и максимально ускорить реабилитацию, улучшить качество жизни данного контингента больных.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование проведено в рамках плана научно-исследовательских работ Бухарского государственного медицинского института (B2023.3.DSc/Tib921) «Раннее выявление, диагностика и разработка новых методов лечения и профилактики патологических факторов, влияющих на здоровье населения Бухарского региона в пост COVID-19 ном периоде» (2022-2026 гг.).

Цель исследования. Улучшение результатов комплексного хирургического лечения больных гнойно-некротическими осложнениями синдрома диабетического стопы, путем оптимизации методов определения должного уровня ампутации пораженной нижней конечности.

Задачи исследования:

изучить причины неудовлетворительных результатов хирургического лечения (ампутиаций нижних конечностей) больных гнойно-некротическими осложнениями СДС с ССВО;

определить информативность дооперационной тонкоигольной пункционной экспресс гистологии (ТИПЭГ) мягких тканей и содержания лактоферрина для оценки их жизнеспособности на предполагаемом уровне ампутации;

